O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Ватанимизнинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигидадир».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 28-iyul • Shanba • 89 (27.734) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сиз ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингизда жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган фуқаролар учун катта имкониятлар яратган «Махсус Олимпиада» ҳаракатининг муваффақиятли ривожи билан табриклашга ижозат этгайсиз. Бугунги кунда дунёнинг 162 мамлакатини қамраб олган «Махсус Олимпиада» жорий йил охиригача спорт тадбирларига 2 миллиондан ортиқ спортчини, жумладан Ўзбекистондан 10 минг нафардан ортиқ спортчини жалб қилиш борасида иш олиб бормоқда.

Ушбу хайрли саъй-ҳаракатларнинг ажралмас қисми бўлган «Ўзбекистон Махсус Олимпиада»си 2007 йил 11-18 май кунлари Бухорода хорижий делегациялар иштирокида ўтказилган «Иккинчи миллий махсус очиқ олимпиада ўйинлари» ташкилотчиси бўлди. Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Тожикистон, Туркия ва Туркманистоннинг «Махсус Олимпиада»сидан 350 нафардан ортиқ спортчи ушбу спорт мусобақаларида иштирок этди. Ташкилотчилар ғайрати ва ўйинларнинг юқори савияда ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди. Мазкур тадбир Ўзбекистонда эълон қилинган Ижтимоий ҳимоя йилининг кенг кўлами ҳамда эришаётган муваффақиятларини яна бир карра тасдиқлади. Ўзбекистон «Махсус Олимпия ҳаракати» Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринни эгаллаганини ва шубҳа йўқки, жисмоний ҳамда интеллектуал қобилияти чекланган одамлар учун имконият беришда катта ютуқларга эришганини қайд этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган одамларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз ва уларни қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Майкл СМИТ,
«Махсус Олимпия ўйинлари» Евроосиё бўлимининг бошқарувчи директори

ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Марғилонда шаҳарнинг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бир қатор замонавий ва тарихий иншоотларни фойдаланишга топшириш тадбирлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этган мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига биноан шаҳарда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Марғилонда бунёд этилган «Ёшлик» ёпиқ сув спорти мажмуаси 600 метр куб сиғимга эга. Унда бир пайтнинг ўзида 180 нафар ўқувчи спорт билан шуғулланиши мумкин. Сув ҳавзаси сувни тозалаш ва иситишга мўлжалланган замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, бинода гимнастика ва ўқув заллари, тиббиёт хонаси, лаборатория ва ювиниш хоналари мавжуд.

— Бугун шаҳримизда ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпиқ сув спорти мажмуасининг фойдаланишга топширилаётганини эшитиб, жуда қувондим, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Зиёда Ғуломжонова. — Энг муҳими, бундай тарихий ўзгаришларнинг барчаси биз, ёшларнинг кўз ўнгимизда юз бермоқда. Буларнинг бари бизга она-юртни қандай севишни, унинг шавкатли ўтмишини қандай эъзозлашни, келажагидан фахрланишни ўргатмоқда.

2-бет



ҚИРҚ УЙЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ ДАВРОНИ

ЁКИ ХОРАЗМДАГИ ОДДИЙ БИР ҚИШЛОҚ ҲАҚИДА СЎЗ

Аввалида ният хийла улуғ эди — мустақиллик йилларида Хоразмда амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий соҳадаги тарихий ўзгаришларни батартиб қоғозга тушириш. Вазифа оғир экан — бирор манбадан фойдаланмай хотирамга келган улкан қурилишлар, қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳотлар одими, тарихий қадриятларни қайта тиклаш жараёнидаги улуғ саналарнинг тантанали нишонланиши... ва одамлар онгидаги ўзгаришларни санайвериб толдим. Ҳар соҳадан бир шингил олсам-да, бир китоб бўлар...

Режани бир туман миқёсида олмоқ бўлдим. Яна санашга тушдим. Санокдан адашдим. Аввало бунёд бўлган янги иншоотлар, янги фирма, тадбиркорлик ўчоқлари, кўркам коллежлар, спорт мажмуалари, фидойи инсонлар рўйхатини келтирсам-да бир неча ўн варақ озлик қиларкан.

Бир қишлоқдаги ўзгаришларни ёзсам-чи? Масалан, бир қишлоқ ҳудудида фаолият юритиб, юртимиз иқтисодини, эл дастурхонини тўлдираётган фермерлар ҳақида. Ҳар қишлоқда ўртача саксон-юз атрофида фермер бор. Эҳ-э, бу ҳам осон иш эмас экан. Бир-бирисидан илғор, бир-бирисидан ташаббускор фермерлар. Бирортасини эслатмасам кейин хафа бўлиб юриши бор...

...Мавзуни воҳанинг энг кичик элати — ўзим яшаётган маскан, ундаги ўзгаришлар жараёнини баҳоли қудрат қаламга туширмоқ осонроқ туюлди.

Боғот туманидаги Қалон Қорабоғ қишлоғида бир кичик элат бор. Шўро замонларида шу ерда илк бора тузилган жамоа хўжалигига Тельман деган ғалати номни тақашган (Ҳатто кекса авлод вакиллари аксари ҳам бу атама қандай келганини билишмайди)... Истиқлолнинг дастлабки давридаёқ элатга «Хитой бўйи» деган қадимий атамаси қайтариб берилди. Бу эса элат ёқалаб оқиб ўтадиган Хитой ариғи сабабли. Элатда қирқдан ошиқ хонадон истиқомат қилади. Икки юз эллик нуфузли аҳоли.

Қишлоқ кишисига аввало нима керак? Тирикчилиги учун бир парча ер. Иморат қуриш учун бир қарич майдон.

Шўролар даврида минг йилларки шу қадим ариқ бўйида яшаб келган элат кишилари бошига кўчишдек оғир савдо тушди. Посёлкалаштириш деган балои азим боисдан янги оила қурганларни қишлоқ марказига тўрт чақирим узоққа бориб томорқа олишга мажбур қилишди. Бировлар мажбуран кўчди. Бировлар иложсизликдан қолди. Колхоз берган иш ҳақига иморат тиклаб бўлармиди...

Ҳисоблаб кўрсам, мустақиллик йилларида шу кичик элатда ўттизга яқин иморат қад ростлабди. Яна ўнга яқин янги оилалар аллақачон иморат ўрни олиб, қуриш тадоригида юришибди.

Элатга айнан истиқлол йилларида табиий газ ва ичимлик суви келтирилганини ҳам айтиш керак. Олдинлари аҳоли шу ариқ сувидан ичишга мажбур — қўникиб қолишганди. Бугун эса улар истиқлол туфайли табиий газ ва ичимлик сувидан баҳраманд бўлишиб, бунга имкон берган кунларга раҳматлар айтишмоқда.

Шўро замонида бор-йўғи тўрт хонадонда енгил машина бўларди. Улар ҳам алмисоқдан қолган. Бугун деярли ҳар бир хонадонда машина бор. Шахсий трактор, юк машинаси ва бошқа техникаларни айтиб ўтирмай.

Элат илкидаги ерлар унумдор, серҳосил тупроқли. Пахтадан қирқ беш центнерлик хирмон уйиш ҳеч гапмас. Юртбошимиз томонидан мулкчиликнинг янгича шакллари тамойилга кира бошлагач, бу ерда ўндан ошиқ фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Қирқ уйлик элат кишиларининг аксари эндиликда шу фермер хўжаликлари эгалари — ҳақиқий деҳқонларга айланишган.

2-бет

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

ҲАВО ЛАЙНЕРИ

ЙЎЛОВЧИЛАРИГА КАТТА ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон ва Россия иқтисодий-сиёсий алоқалари йил сайин кенгайиб, дўстлик, қардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина Нукус аэропорти мисолида оладиган бўлсак, 2006 йилгача бу ерда йўловчилар учун Нукус — Москва — Нукус йўналиши бўйича фақат биргина рейс бўлса, 2006 йилнинг март ойидан Россиядаги «Газпромавиа» билан ҳамкорликда Нукус — Москва йўналиши ҳам очилганди. Йўловчиларнинг қўпайиши ва уларнинг талаблари инобатга олиниб, яқинда ҳар ҳафтанинг чоршанба куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан қўшимча Москва — Нукус — Москва йўналиши бўйича учинчи ҳаво лайнери қатнови ҳам йўлга қўйилди.

Муҳим жиҳати шундаки, аҳолига намунали хизмат ва унинг ижтимоий ҳимояси йўлида мазкур рейсда учаётган йўловчилар учун қатор имтиёзлар жорий этилди. Масалан, ёшлар учун 25 фоиз, оила аъзолари билан учаётган йўловчилар учун 25 фоиз, пенсионерларга 25 фоиздан енгилликлар берилди. Шунингдек, йўловчилар берилган талонлари билан Москвага қўнгандан сўнг Домодедово аэропортидан Повелецкий вокзалигача электропоезда бепул етиб боришлари мумкин.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

☑ ЎзХДП туман кенгашларида

КЕЛАЖАК АВЛОД ТАҚДИРИ

УЧУН МАСЪУЛЛИК — БАРЧАМИЗНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

Жуда кўп иллатлар, у ёки бу кўринишдаги нохушликлар, жиноятларнинг таг-замини аср вабоси — гиёҳвандликка бориб тақалади. Хўш, бу салбий ҳолат қаердан келиб чиқди? Нега у бутун дунё бўйлаб кенг ёйилаяпти? Нима учун уни «XXI аср ўлати», дея жар солаяпмиз? ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорликда Навбаҳор туманида ўтказган «Ўзбекистон ёшлари — гиёҳвандликка қарши» мавзуидаги кўргазмали семинарда ана шу оғриқли масалалар ўртага ташланди.

Қайд этиш жоизки, бу иллат йил сайин дунё миқёсида кенгайиб бораяпти. Айниқса, бугун дунёдаги айрим мамлакатларда кўп минг гектар майдонларга кўкнори ўсимлиги экилаётгани ўта ташвишли ҳолдир. Инсоният келажагига рахна солаётган ана шу экин — террор, ОИТС деган бедаво дардларни, иллатларни келтириб чиқараётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. «Ёшлар гиёҳвандликка қарши курашда», «Гиёҳвандлик ва огоҳлик» мавзуларида чиқиш қилган Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Шерали Умаров, Навбаҳор туман кенгаши раиси Шамсиддин Калонов, туман марказий шифохонаси наркологи Малоҳат Неъматова, ички ишлар бўлими нозири, майор Неъмат Бўронов, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси Жўрабек Худойбердиев ва бошқалар келажак авлод тақдирига солинаётган бу хавф-хатарнинг олдини олиш учун биргина ота-она, ёхуд мактаб эмас, аслида бутун жамоатчилик огоҳ, ҳушёр бўлиши лозимлиги таъкидланди. Бў ўринда, айниқса, маҳаллаларнинг ўрни, оқсоқоллар ва фаолларнинг иштироки зарурлигини қайд этишди.

Халқимиз «Бир болага етти маҳаллла она-ота», — дея бежизга таъкидламаган. Маҳалла-кўй, овулу қишлоқ ҳаётидан узилмаган, бўш вақтини илму зиё, китоб, спортга бағишлаган йигит-қиз ҳеч қачон гиёҳвандлик, жиноят кўчасига кирмайди. Ёшлар онгига миллий ғояни сингдирмоқ, уларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини шакллантирмоқ ҳам бугуннинг долзарб вазифасидир. Ҳар бир ёш, Ўзбекистоннинг эртанги куни саналмиш йигит-қизлар турмуш тарзи билан мунтазам шуғулланмоқ, уларни кузатиш ва тўғри йўлдан оғишига йўл қўймаслик ҳам барчамизнинг зиммамизда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ҲАҚДА... !

«2007 йилнинг биринчи ярмида қўшимча 96,1 минг киши касаначиликнинг турли шакллари билан қамраб олинди. Бу ҳисобот даврида ташкил этилган иш ўринлари умумий сонининг 31 фоизини ташкил қилади. Касаначилик орқали иш ўринларини ташкил этаётган кичик корхоналар учун имтиёзларни жорий этиш, шунингдек, касаначилик шартномаларини тузиш бўйича иш берувчилар билан тушунтириш ишларини амалга ошириш натижасида кичик ҳамда йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликда 40,2 мингта иш ўрни яратилди. Бу 2006 йилнинг шу давридагига қараганда 45 фоиз кўпдир».

БУ ҲАҚДА *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2007 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги ҳисоботида алоҳида қайд этилди.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ҚИРҚ УЙЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ ДАВРОНИ

ЁКИ ХОРАЗМДАГИ ОДДИЙ БИР ҚИШЛОҚ ҲАҚИДА СЎЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Оққош» фермер хўжалиги бошлиғи Шокир Жуманиёзовнинг ҳар доим кайфияти баланд. Нега кайфияти чоғ бўлмасин — пахта ва буғдой режаларини ошириб бажараётган бўлса, бунинг устига ярим гектарлик узумзор барпо этган. Кеч кузда салкам ўн тонна узумни қўшни давлатларга сотиб, нақд беш-олти миллион сўмни олиб, даромадига қўшиб турибди-да. «Ҳасан-Ҳусан» фермер хўжалиги эгаси Қодир Жумабоев ҳам анойи деҳқонлардан эмас. Буғдойдан олтмиш центнерга қадар хирмон уйиб, давлат режасини ошириб адо этиб, бир вақтда етти оғаиниси хонадонини тонналаб буғдой билан таъминлаяпти.

Истиқлол йилларида қишлоқ аҳлига ҳукумат кўрсатган энг катта мурувватлардан бири қўшимча томорқа учун ер ажратилгани бўлди. Улар элат хонадонлари илкига берилган ўн икки сотих қўшимча томорқасидан бир йил давомида ётиб ейишга бемалол етадиган буғдой олишга ўрганишган. Омборида бир тонна дони бор хонадон йил давомида тинч. Шундоқ тегирмонга бориб ун торттириб келишдан бошқа иши йўқ. Буғдойдан бўшаган ерга эса иккинчи экин сифатида шоли кўчатлашни ҳам элат кишилари биринчилардан бўлиб ўзлаштиришди ва ҳозирда шу иккинчи ҳосилнинг ўзидан 70-80 центнер хирмон уйиш одатий ҳол бўлиб қолди. Энди ҳисоблаб кўринг. Қўшимча томорқасидан салкам бир тонна шоли олган хонадон унинг камида уч юз килосини қозонга йил давомида босиб, кунора палов еса, қолганини ўз эҳтиёжи учун исталган пайтда бозорга сотиши мумкин. Ўша ортиқча шолининг ўзидан камида 350 минг сўм маблағ хонадон даромадига кириб турибди-да...

Ҳар бир хонадоннинг узумзор боғи борлигидан кеч кузда айрим учар савдогарлар кун оралаб қолишади. Хонадонларда етиштирилган узумларни қўшни давлатларга чиқариб сотиш илинжида юрган тадбиркорлар билан узумини эринмасдан савдолашиш ҳам бир манзара. Ахир бир парча боғидан иккиуч тонна узум олаётганлар борда. Бу ҳам камида бир ярим миллион сўм дегани.

Энди кишиларнинг полиз маҳсулотларини бозордан олмаслиги, аксинча ўзлари бозорга сотишини айтинг. Ҳар хонадонда ўртача уч-тўрттадан сигир-бузоқ ҳам бор. Деҳқончасига ҳисоблаб кўрилса, элатнинг ҳатто энг дангаса (аслида бундайлар йўқ) хонадони эгаси ҳам йилига томорқа-боғи, фермердаги хизмати, қўй-сигири ҳисобидан камида 5 миллион сўм даромад қиларкан. Хоразм шароитида нархларнинг ҳийла пастлигини айтсак — бу катта бойлик. Ейиш-ичиш, кийишдан кўп ортиб қолади. Шунданми, бу томон кишилари қиш ойларида тўй-томошаларга зўр беришади. Бу эса тўкинлик, фаровонликдан нишона.

Истиқлолгача бу ерда борйўғи беш нафар олий маълумотли киши бўларди. Ҳозирда уларнинг сони икки ҳисса ошган. Айни пайтда давлатимизнинг турли олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу чекка ғўшанинг ўз муҳандислари, педагоглари, иқтисодчилари, ўз шифокорлари бор.

...Ўн йилча олдин оғир хасталикдан саккиз нафар вояга етмаган болаларнинг ота-онаси Хожибой ака ва Гавҳар опа кетма-кет дунёдан ўтдилар. Ўшанда етимлар ҳоли не кечар экан деб фол очганлар бўлган. Тўғрида, шўро замонида бўлса, етимларни қайсидир етимхонага топшириб қўяқолишарди. Шу билан олам тинч эди. Бу сафар Тўраевларни бошини ҳукумат силади, уларнинг тўнғичи васий деб белгиланиб, катта миқдорда нафақа тайинланди. Бир ёқда қўни-қўшнилар қаращди, ҳомийлик қилишди. Қарабсизки, ўтган қисқа даврда кетма-кет вояга етган болалар ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишди: икки ўғилни уйлантиришди, уч қизни турмушга узатишди. Элга дабдабали тўй қилишди. Яна бу даврда иморат тиклашганини айтинг. Энди бир этак етимларнинг элнинг олди хонадони бўлиб яшаётганини ҳам истиқлол билан боғлашади.

Юртбошимиз раҳнамолигида бутун мамлакатда истиқлол йилларида оқилона олиб борилган ва борилаётган иқтисодий, ижтимоий сиёсатнинг исталган бир мевасини шу кичик элат, унинг кишилари ҳаётида, тақдирида кўриш мумкин. Шу боис қайсидир даврада истиқлол ҳақида гап кетганда «Истиқлол бизга нима берди?» деган саволга булар соддагина қилиб «бунга бизнинг даври-даврониимиз энг яхши жавоб» дейишади...

«Хитой бўйи» — атиги қирқ хонадонлик кичик бир элат ҳақида ихчамгина гап айтдик, кераклигина мисоллар келтирдик. Хоразмда бундай элатлар юзлаб. Мамлакатимизда эса минглаб. Бугун уларнинг тақдирлари ўхшаш, мисли эгизак.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажмуани фойдаланишга топшириш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортини оммавийлаштириш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

— Шу пайтгача Марғилондан Қиргулига очиқ ҳавзадаги сув спорти машғулотларига қатнар эдим, — дейди шаҳардаги 1-мактаб ўқувчиси Гулҳаё Лутфуллаева. — Бу машғулотлар учун, бир томондан, йўлнинг узоқлиги халал берар, иккинчи томондан, фақат ёз ойларидагина шуғулланиш имкони бор эди, холос. Шу боис ўз шаҳримизда замонавий ёпиқ сув спорти саройи бунёд этилганидан ва унда энди мен каби кўплаб ёшлар спортнинг ушбу тури билан эмин-эркин шуғулланишидан жуда хурсандман.

Сув ҳавзасида спортчиларнинг маҳоратли чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Президентимиз Ислом Каримов ўтган йили сентябрь ойида Марғилонга ташрифи чоғида қурилиши ниҳоясига етган қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйларда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, кишиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратган эди.

Ўтган вақт мобайнида шаҳарда яна бир қанча муҳташам бинолар бунёд этилди. Улардан бири янги — «Адрас» меҳмонхонасида истиқомат қилувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

— 2006 йили шаҳримиздаги тиббиёт коллежини имтиёзли диплом билан тугатиб, ҳозир шу ердаги марказий шифохонада ишлаяпман, — дейди Нодирбек Аҳмаджонов. — Ҳар куни эрталаб ишга бораётганимда шаҳримизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратга тушаман. Марғилон қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Икки минг ёшли она шаҳримиз кўз ўнгимизда яшариб -яшнаб бормоқда.

Марғилон шаҳар ҳокими Насибулла Раҳматуллаев Президентимизнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга оид

қарори шаҳарнинг тубдан ободонлашуви, тарихий обидаларининг тикланиши, аҳолининг яшаш ва меҳнат шароитлари яхшиланишида, кишилар кайфиятининг янада кўтарилишида жуда катта аҳамият касб этганини таъкидлаб, Юртбошимизга шаҳар аҳли номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Марғилонда шаҳарнинг қутлуғ тўйи арафасида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ғулом МИРЗО,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Суратларда: *қутлуғ тўй муносабати билан бунёд этилган ва таъмирланган замонавий ҳамда тарихий иншоотлар кўриниши.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) ва Ҳакимжон РАҲМОНОВ олган суратлар.

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

ДЕПУТАТЛИК МАРТАБА ЭМАС

балки юксак ишонч, уни оқлаш учун эса чин юракдан меҳнат қилмоқ керак, — дейди халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши депутати, стоматология поликлиникаси бош шифокори Мақсуд ҲАМИДОВ

Яқинда Ўзбекистон ХДП Вобкент туман кенгаши раиси Толиб Авезов билан партиямиздан сайланган депутатлар, депутатлик фаолияти, уларнинг олиб бораётган ишлари ҳақида фикр алмашдик. Гап айланиб, ўз манфаати учунгина халқ вакили бўлишга ҳаракат қилган, аслида сиёсий партияга эътиқоди ҳам, ҳурмати ҳам бўлмаган айрим кишилар ҳақида кетганида:

— Шукрки, сафимизда эътиқоди суст кишилар йўқ, — деди у. — Айримлар депутатликни ўзлари учун мартаба ёки имтиёз деб билсалар хато қилишади. ЎзХДПдан туман Кенгашига сайланган 12 нафар депутатимиз бундан мустасно, деб ўйлайман. Чунки халқимиз уларни танийди, билади, ҳурмат қилади. Ҳар бири одамлар эътибори, меҳрини қозонган. Келинг, яхшиси, улардан бири билан танишинг. Дарвоқе, у йигитни танийсиз. Ишлари билан кўпнинг дуосини олаяпти, меҳр-оқибатли, ён-атрофдагиларга ғамхўр...

Мақсуджон Ҳамидов билан бир-икки бор суҳбатлашгандик. Кенг мушоҳадали, маданиятли, билимли, янгиликка интилувчан йигит. У бизни ишхонасига бошлади. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини ЎзХДП аъзоси бўлган ёшлар ташкил этар экан.

— Бош ҳакимимиздан кўп нарсани ўргансак, ўрнак олсак арзийди, — дейди поликлиника бошлиғич партия ташкилоти (БПТ) раиси Маҳбуба Рўзиева. — Бу гапларни у киши бизга раҳбар бўлгани учун айтмаяпман. Аслида муассасамизнинг ўзида ишларимиз жуда кўп. Бундан ташқари, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, турли тадбирларни амалга ошираяпмиз. У киши партиямиз аъзоси сифатида тадбирларимизда фаол иштирок этади. Туман партия кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятида қатнашади. Одамларнинг дарду ташвишини эшитади. Депутат сифатида сайловчиларни қабул қилиб, уларни қизиқтирган саволларга эринмай жавоб беради, уларни қийнаётган масалаларини ечишга кўмаклашади.

— Тўғриси, партия сафига киришга менда хоҳиш орттирган ҳам Мақсуд ака бўлади, — дейди шифокор Раъно Қурбонова. — Раҳбар сифатида эмас, партия фаоли сифатида. У кишининг амалга ошираётган эзгу ишлари партиямиз ғояларини ҳаётга татбиқ этиш билан уйғунлашиб кетган. Шуни кўриб мен ҳам ХДП сафига кирганман. Аслида у киши ҳеч кимни партияга киришга ортиқча ундамайди. Сиёсий эътиқод ҳар кимнинг ўз хоҳиши, виждон иши, деб таъкидлайди. Аммо бугун БПТда сафимиз 50 кишига етди. Бу катта куч. Электорат манфаатларига мос келадиган ишларимизнинг ҳам кўлами кенг. 110 нафарга яқин уруш қатнашчиси ва ногиронларнинг барчаси эътиборимизда. 15 нафар иккинчи жаҳон урушида иштирок этганларга тиш протезлари қўйиб бердик.

— Мақсуджон ТошМИни битириб келгач, ўзи туғилиб ўсган қишлоқда шифохона очиш ташаббускори бўлди ва бунга эришди, — дейди Харғўш маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партиядошимиз Файзулла Эгамов. — Ўзбекон қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти қуришга ҳам бош-қош бўлди. 5 та мактабда замонавий стоматология асбоб-ускуналарига эга бўлган хоналар ташкил этди. Қишлоқда болалар спортини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ободончилик билан боғлиқ кўпгина масалаларни халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига олиб чиқаяпти. Бу албатта самарасиз кетмайди.

— Ҳеч қачон депутат бўламан деб интилмаганман, — дейди Мақсуджон камтарлик билан. — Ўзим аъзо бўлган партия — ЎзХДП туман кенгаши етакчиси номзодингизни кўрсатамиз, деб таклиф қилди. Ўйлаб кўриб розилик бердим. Сайловчилар эса номзодлар орасидан мени танлашди. Бу — мен учун мартаба эмас, ишонч. Уни оқлашим керак. Шу боис одамларга нафим тегсин, улар мени сайлашганидан пушаймон бўлмасин дейман.

Ана шу эзгу фикр билан яшаётган қаҳрамонимиз ва унинг сафдошлари фаол экан, партиямиз нуфузи ошавериши аниқ.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

ЭЗГУЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎЛИДА

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонига кўра, мамлакатимизда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинади. Маълумки, мазкур Фармон инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Таъкидлаш жоиз, ушбу ҳужжат юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг яна бир амалий самараси бўлди. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ўзвий бир қисми саналган ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши ўта масъулиятли. Бунинг учун жамият ва фуқароларни мазкур масалага ҳар томонлама тайёрлаш ҳамда бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

«Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунлар тарғиботи муҳим аҳамиятга эга.

Кеча ушбу масалага бағишлаб пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ўтказилган семинарда туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот вакиллари, адлия, адвокатура ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида муҳим босқич бошланди, — деди семинарда маъруза қилган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси Мансур Абдуганиев. — Ўтказилаётган ислоҳотлар одил судловни амалга ошириш, адолатли фуқаролик жамиятини қуришда муҳим омил бўлади.

Дарҳақиқат, мазкур қонунлар одил демократик жамият қуриш йўлида қабул қилинган муҳим ҳужжатдир. Қонунлар мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз, уни фуқароларимиз онгига етказишимиз лозим, — дейишди семинар иштирокчилари. Тадбирда таъкидланганидек, эзгулик, олижаноблик ва инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган қонунлар фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилади.

Равшан ШОДИЕВ.

Мулоҳаза

ОҚИЛОНА ҲАЁТ КЕЧИРИШ

ТЎҒРИСИДА МУТАХАССИС ФИКРИ ВА ТАКЛИФЛАРИ

Соғлом турмуш тарзи ҳар бир одамнинг орзуси эканлигини яхши биламиз. Лекин баъзан бу тушунчага нисбатан лоқайд қарашлар, эътиборсизлик ҳолатлари ҳам бўлиб туради. Шундай пайтда, яъни яшаш тарзимизни жамият равнақи билан ҳамоҳанг олиб бориш учун, унинг асоси оқилона ҳаёт кечириш эканлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Кўп йиллардан буён бу ҳақда социологик тадқиқотлар олиб бораётган иқтисод фанлари доктори, профессор Шерзод БЎТАЕВ билан бўлган суҳбатимиз мазкур долзарб мавзунинг ечимлари хусусида.

1

— Айтингчи, ҳар бир шахс соғлом турмуш асоси — оқилона ҳаёт кечириш ва самарали фаолият кўрсатиш борасида ўзининг ички имкониятларидан қай даражада фойдаланмоқда?

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг марказида инсон, унинг кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари турибди. Шахс мустақиллиги унинг ўз фикр-қарашида, ташаббусларида эркин бўлишини тақозо этади. Айни пайтда, у юксак инсоний бурч, мажбурият ва масъулият соҳиби бўлиши лозим.

2

Замонамиз жадал ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий, техник жараёнлар даври бўлса ҳам, айрим шахсларнинг ҳаётий қарашлари, орзу-умидлари ва тасаввурлари ҳали-ҳамон кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳозирги пайтда аксарият шахсларнинг диққат-эътибори фақат моддий дунё муаммоларига қаратилган. Олимлар фикрича, бизнинг ўй-фикрларимиз, ҳис-туйғу, муносабат ва қарашларимиз кўринмас ички дунёмизни ташкил этади. Афсуски, биз ўз фаолиятимизни бутунлай ташқи дунёга қаратиб, ички дунёмиз имкониятларидан етарли даражада фойдаланаяпмиз, деб бўлмайди.

— Хўш, ҳозирги пайтда ҳар бир инсоннинг оқилона ҳаёт кечириши учун мутахассислар томонидан тавсия этилаётган қандай илмий-услубий қўлланма ёки йўл-йўриқлар мавжуд?

— Инсоннинг бу дунёда оқилона ҳаёт кечиришига оид масалалар турли мамлакатларнинг файласуф психолог, ҳамда иқтисодчи олимлари томонидан таҳлил этилмоқда, тегишли илмий-услубий тавсиялар берилмоқда. Медитация, яъни ўз-ўзини ишонтириш ва ўзига сингдириш каби тренинг машқлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Бу тадқиқотлар асосида инсон ҳаётида энг муҳим бўлган масалалар — муваффақият қозониш, ўз олдига қўядиган мақсадлар ва уларга эришиш йўллари ва услубларини ишлаб чиқиш, яхши умр кечириш — соғлом турмуш тарзи учун инсон ўй-фикр, нуқтаи назар ва қарашларини, ўзининг ички руҳий-физиологик ҳолатларини қандай шакллантириши ва ўзгартиришига оид механизм ва услублар илмий асослаб берилган. Бундан ташқари, инсоннинг ўз устидан ҳукмронлиги ва ўзини ўзи бошқариш имкониятларини ошириш, унинг энерго-информацион тизими ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда

3

улардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган. Айни пайтда ушбу масала ҳақида сўз кетганда, Президентимизнинг **«Кўзлаган марраларимизга етиш учун шу юртда яшаётган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда, белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилиши даркор. Бу улуғвор мақсадлар барчамиздан — масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасаддди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва осойишта ҳаётимиз посбонлари бўлмиш ҳарбийлар, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажаги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчарс боғлаган ҳар бир юртдошимиздан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидиқидилдан адо этишни талаб қилади»** деган оқилона қарашлари ғоят муҳим асосга эга.

— Айтингчи, инсон ҳаётида нохуш «тарбиявий жараёнлар»га дуч келмаслиги учун нима қилиши керак?

— Бунинг учун биринчидан, ўтган йиллар давомида тўпланган ёмон кечинмалардан тозаланиш, иккинчидан эса келажак ҳаётида бундай оғир кечинмаларни янгидан тўпламаслик учун барча нотўғри қарашлар ва хом-хаёлликлардан халос бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, ёмон кечинмалар инсон танасида астрал — «ҳис-туйғулар» қорайган ахборот-энергия кўринишида жойлашади ва тозаланмаса узоқ вақт мобайнида сақланиб қолади. Ҳозирги пайтда бундай тозаланишнинг турлича усуллари ишлаб чиқилган. Инсон оғир кечинмаларни яна қайтадан шакллантирмаслиги учун салбий қарашлар, нотўғри муносабатларни янги, ҳаётбахш ўй-фикрлар ва муносабатларга алмаштириши лозим. Инсоннинг дунёқараши кенг, интилувчан, бунёдкор ва ҳаётбахш бўлса, унинг ҳаёти ҳам шундай бўлади.

4

Суҳбатдош: Карим НОРМАТОВ.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

КЕЧА ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ СПОРТ КОЛЛЕЖИДА II МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ ВА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Халқимиз ўзининг миллий қадриятлари, қадимий анъана ва ўйинлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Айниқса, асрлар оша ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ва кекса-ю ёшнинг кўнглидан бирдай жой олган миллий ўйинларимиз барча даврлар учун аҳамиятлидир. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жойларда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, болалар ҳамда ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишга кенгроқ жалб этиш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган I Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали икки йил илгари Жиззах шаҳрида ўтказилган эди.

Мазкур фестивалга эса бу гал Чирчиқ шаҳри мезбонлик қилмоқда. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар вакилларидан иборат 14 та жамоа томошабинларга ўз миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини намойиш этишаётир.

— Жиззахда ўтган дастлабки фестивалдаёқ бир-бирини такрорламайдиган халқ ўйинлари томошабин ва мутахассисларнинг катта қизиқишига сабаб бўлганди, — дейди Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия институти профессори Тўлқин Юнусов. — Бу тадбир туб моҳияти билан халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи, қадриятларимизнинг теран илдизлари ва бой меросидан далолат. Гарчи, Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали анъанавий тарзда иккинчи маротаба ўтказилаётган бўлса-да, аслида бу хайрли тадбирга истиқлолнинг дастлабки йилида асос солинганди. Айни чоғда фестиваль йилдан-йилга такомиллашиб, ривожланиб, қамрови кенгайиб бормоқда. Ҳар бир жамоада 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёшу қарининг иштирок этиши эса аждодларимизнинг болаликдан кексайгунга қадар жисмоний тарбия билан шуғулланишга алоҳида эътибор бериб келганлигини кўрсатади.

— Очиғи, кўпчилик касал бўлиб, бир дардга йўлиқсагина саломатлиги хусусида қайғуришга ўрганиб қолган, — дейди Сирдарё вилояти жамоаси мураббийи Диёрбек Ҳайдаров. — Аслида инсон болалигидан бу ҳақда ўйлаши, саломатлигини мустаҳкамлаб бориши зарур. Бу борада эса халқ ўйинлари, айниқса, қўл келади.

Фестивалнинг дастлабки кунида жамоалар ўз чиқишларида ўнтадан миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини намойиш этди. Қирқ тош, авалакам-дувалакам, чўнка шувоқ, соққа, палахмон сингари ўйинлар айниқса, томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Ўзига хос халқ сайлига айланаётган фестиваль тантаналари бугун ниҳоясига етади. Якунда жамоаларнинг ҳар бир ўйини баҳоланиб, энг кўп очко жамғарган жамоага бош мукофот — Гран-при топширилади. Шунингдек, «Алпомиш», «Тўмарис», «Энг ёш иштирокчи», «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг назокатли қатнашчи», «Ўйинларни асл ҳолда сақлаган жамоа» сингари тўққизта номинация ғолиби ҳам аниқланади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Интер-спорт

БЕЗОРИЛИК

ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Келаси йили ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатида қатнашиш учун ўтаётган саралаш учрашувларининг бирида нохуш воқеа юз берди. Дания — Швеция жамоаларининг учрашуви якунланиши олдидан даниялик футбол ишқибози кутилмаганда майдонга тушиб, бош ҳакам — германиялик Херберт Фанделга қўл кўтарди. Шу йилнинг 2 июнь куни Копенгаген шаҳрида ўтказилган ушбу учрашув якунланишига оз вақт қолганда бош ҳакам Дания дарвозаси томонга 11 метрлик жарима тўпи белгилаган эди. Ишқибознинг «ҳурмача қилиғи» туфайли 3:3 ҳисобида тугаётган ўйин бекор қилинди ва данияликлларга мағлубият (0:3) ёзилди.

Қизиғи, бу ишқибоз ўша куни маст бўлган, у оз эмас кўп эмас, ўн беш шиша пиво ичган экан. Энг ёмони, УЕФАнинг махсус комиссияси қарорига кўра, мазкур стадионда ўтадиган икки учрашув бекор қилинган. Бундан ташқари, Дания футбол федерацияси 30 минг евро миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

ЯНА КОНГРЕССГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

АҚШ Конгрессида кўпчиликни ташкил этувчи Демократик партия вакиллари Америка қўшинини Ироқдан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги янги қонун лойиҳасини яна Вакиллар палатасига тақдим этди. Ушбу лойиҳа юзасидан овоз бериш келгуси ҳафтада ўтказилади.



«Интерфакс» ААнинг хабар беришича, лойиҳа муаллифи конгрессмен-демократ Жон Муртадир. Лойиҳада Америка қўшинини олиб чиқиб кетишни кейинги икки ой ичида бошлаш назарда тутилган (лойиҳа Конгресснинг иккала палатаси томонидан тасдиқланса), лекин уни қачон якунлаш президент Жорж Буш ихтиёрига қолдирилган. Негаки, аввалги лойиҳаларда қўшинни олиб чиқиб кетишнинг якуний муддати республикачиларнинг «ғазаби»ни қўзғотган.

Маълумки, бундай лойиҳалар Вакиллар палатаси томонидан бир неча бор Сенатга тақдим этилган. Бироқ, Сенат ҳар сафар уларни рад этган. Агар бу сафар ҳам шундай бўлса, демократлар Бушнинг Ироқ бўйича стратегиясига янги зарба беришни мўлжаллашмоқда, яъни Ироқдаги операциялар учун маблағ ажратилишини рад этишмоқчи.

ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР

ҲАНУЗ ОЗОД ЭТИЛМАДИ

Расмий Кобул ва толибонлар вакиллари ўтган ҳафта пайшанбада толибонлар томонидан гаровга олинган 22 нафар Жанубий кореяликнинг 8 нафари катта маблағ эвазига озод этилганлиги ҳақидаги хабарни рад этди.

Айрим манбаларга қараганда, гаровдагилар айирбошланадиган жойга Афғонистон маъмуриятининг бронетранспортёри яқинлашганлиги боис толибонлар гаровдагиларни қайтариб олиб кетган ва ҳар қандай музокараларни тўхтатган. Бироқ, толибонлар томонидан илгари сурилган ультиматум муддати пайшанбага ўтар кечаси якунланган бўлишига қарамай, гаровдагиларнинг бирортаси ўлдирилмаган. Газни музофоти полицияси бошлиғи, генерал Али Шох Аҳмадзай берган манбаларга таяниб, бу ҳақда ИТАР-ТАСС хабар қилади.

Ҳозир Кобулда толибонлар билан музокараларни яна қайтадан бошлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Афғонистон жанубидаги Гилмонд музофотида ҳукумат ва коалиция кучлари томонидан олиб борилган махсус операция натижасида «Толибон» ҳаракатининг 50 нафар жангариси йўқ қилинди. Бу ерда толибонларнинг 16 та лагери ва битта базаси борлиги аниқланган, ҳарбий операция бошланган эди. Отишмалар 12 соат давом этган. Афғонистон ҳукумати ва коалиция кучларида қанча йўқотиш бўлганлиги ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

Деярли толибонлар назоратида бўлган ушбу музофотда ҳарбий операциялар давом этмоқда.

Эслатиб ўтамиз: ўқитувчи ва ҳамширалардан иборат Жанубий кореялик миссионерлар Кобулдан Қандаҳорга кетаётган пайтда ўтган ҳафта пайшанба куни толибонлар томонидан гаровга олинган. Толибонлар асирга тушган жангарилар озод қилинишини талаб этишмоқда.

Жанубий Кореянинг Афғонистондаги контингенти 210 кишидан иборат. Улар ҳарбий шифокорлар ва муҳандислар бўлиб, ноҳарбий миссияларда иштирок этади. Шу йил охирида уларнинг муддати тугайди.

Дарвоқе, толибонлар томонидан гаровга олиш ҳолати кучайганлиги боис, Афғонистон полицияси хорижликларни Кобулдан четга чиқмасликка чақирди.

ҲАМШИРАЛАР АФВ ЭТИЛГАНИ УЧУН

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

Маълумки, Ливия маъмурияти 438 нафар болага билиб туриб ОИТС вирусини юқтирганликда айбланиб қўлга олинган ва 1999 йилдан бери қамоқда сақланаётган болгариялик 6 нафар ҳамширани ҳамда бир нафар фаластинлик шифокорни (унга июнь ойида Болгария фуқаролиги берилган) халқаро келишувга кўра, жазони ўз ватанида ўташи учун ўтган ҳафта охирида Болгарияга жўнатишга рози бўлган эди. Аммо ҳамширалар ўз ватанига боргач, мамлакат президенти афв этди. Бу эса ливиялик жабр кўрган болаларнинг ота-оналари норозилигига сабаб бўлди. Улар Ливия маъмуриятига мурожаат этиб, Болгария президенти томонидан озодликка чиқарилган тиббиёт ходимларини Интерпол орқали қайта қамоққа олинишини, шунингдек, Болгария билан дипломатик алоқаларни узишни ҳамда Ливияда яшаётган болгарияликларни мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилишди. Шундан сўнг Болгария элчихонасининг биринчи котиби Жамаҳирияга чақирилиб, унга расмий норозилик нотаси топширилди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Эслатиб ўтамиз: тиббиёт ходимлари икки бор — 2004 йил майда ва 2006 йил декабрда Ливия суди томонидан ўлимга ҳукм қилинган, лекин кейинчалик ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилган.

ЕВРОПАДА ЖАЗИРАМА

ЁНҒИННИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА

Европада қутилмаган об-ҳаво шароити сақланиб турибди. Жазирама боис юзага келган ёнғинлар экологик хавфни кучайтириб юбормоқда. Болгария, Сербия, Италия, Греция ва Франциянинг маълум ҳудудларида ёнғин авж олмоқда. Шу боис Европа мамлакатларида жами 550 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди.

«Новости» ААнинг маълум қилишича, шу кунларда Косовонинг муваққат ҳукумати ёнғинни бартараф этиш учун 700 минг евро миқдорида маблағ ажратди. Сўнгги маълумотларга қараганда, 2,5 минг гектар ўрмон ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонида ёнғин авж олган. Ҳукумат БМТнинг Косоводаги фуқаролик миссиясига ёрдам сўраб мурожаат этишни мўлжаллаб турибди. Сербияда эса ёнғин жанубдан шимолга қараб ёйилиб бормоқда. Айниқса, мамлакат жануби-шарқида аҳвол жиддий. У ерда 450 гектар ўрмон ёнғин домида. Ҳатто аҳоли турар-жойларига ҳам хавф туғилмоқда. Аҳолига уйларидан кўчиш тавсия этилди. Йўллар беркитилди.

Грециядa 2 мингга яқин ёнғин ўчоғи мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 26 дан 32 минг гектаргача. Ёнғинни ўчириш жуда қийин кечмоқда. Негаки, мамлакатда ҳарорат 44 даражагача чиқмоқда. Куни кеча, Греция бош вазири Костас Караманлис Россия президенти Владимир Путин билан телефон орқали боғланиб, ёрдам беришларини сўради. Шундан сўнг Россия Грециядa ёнғин ўчирувчи иккита самолёт ва учта вертолёт жўнатди.

Болгарияда ҳам аҳвол оғир. 6500 гектар майдон олов домида. Уни ўчириш учун барча ўт ўчириш кучлари, қутқарувчилар, армия бўлинмалари ва кўнгиллилар жалб этилган. Ҳукумат Россия, НАТО ва Европа Иттифоқига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Қозонлик ва Моглич шаҳарларида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Пазаржик, Харманли, Ловеч, Бургас ва Смолян шаҳарларида олов кучини бартараф этиш учун катта куч ташланган.

Италияда эса 4,5 минг гектар майдон қуйиб кул бўлиш арафасида турибди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Апеннин ярим оролининг марказий қисми Абруццода ва Сицилия оролининг жанубидаги Калабрида аҳвол оғир.

Франция жанубидаги Вар департаментида 2 кун ичида 400 гектар ўрмон қуйиб бўлди.

Россиянинг Сибир ва Узоқ Шарқида ҳам ёнғинлар авж олмоқда. Кейинги бир кеча-кундузда 108 та ёнғин ўчоғи пайдо бўлди. Ҳозир 21,6 минг гектар майдон олов домида. Ҳаммаси бўлиб 138 та ёнғин ўчоғи мавжуд. Уларни ўчириш учун 2 минг киши, 351 та техника (шундан 14 таси ҳаво кемалари) жалб этилди. Умуман, жорий йилнинг ёнғин мавсумида ҳаммаси бўлиб 10117 та ёнғин ўчоғи пайдо бўлган, уларнинг умумий майдони 701,8 минг гектарга етиб қолади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Европада жазирама авж олган бир паллада Буюк Британияда кучли жала оқибатида сув тошқинлари юз бериши давом этмоқда. Бир ҳудудда бундай икки хил об-ҳавонинг кузатилиши, олимларнинг айтишича, иқлимнинг глобал ўзгариши натижасидир. «Росгидромет»нинг Глобал иқлим ва экология институтининг етакчи илмий ходими Юрий Лупачевнинг ҳисоб-китобларига кўра, Шимолий ярим шарда қишнинг иссиқ келиши, Африкада қор ёғиши, Европада кутилмаганда жала ёғиши ва жазираманинг юз бериши кейинги бир неча йил ичида сақланиб туради. Бу атмосферада циклон алмашинуви натижасидир.



Бугунги Токио

Қарор ва ижро

ЙЎЛОВЧИ ХАВФСИЗЛИГИ:

МАСЪУЛИЯТ ВА ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда фуқароларга намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида ўтган йилнинг ўзида Президентимиз томонидан «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорликнинг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги, «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлар қабул қилинди. Мазкур муҳим ҳужжатлар қабул қилингани бу соҳада жиддий ислоҳотлар зарурлигини кўрсатди.

Хўш, бу борада кўзланган мақсадга эришилдими? Қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?

Очиғини айтганда, аҳолининг транспортдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ўстиришда мазкур қарорларнинг ўрни беқиёс. Яратилган шарт-шароитдан аҳолининг мамнунлиги бунинг исботидир. Аммо бу борада ҳамон камчиликлар мавжуд. Айрим мутасадди ташкилотлар томонидан мазкур қарорлар ижроси суст таъминланаётган ҳоллар учрайди. Хусусан, автомобиль уюшмаларида автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқишдан олдин техник ҳолатини текширмаслик, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказмаслик, йўналишлардаги автобус ва микроавтобусларнинг ҳаракатини назорат қилмаслик, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиши, йўналишдан чиқиб кетиш, ҳаракат жадвалига риоя этмаслик, йўловчилар билан қўпол муомалада бўлиш каби нуқсонлар бор. Бу ҳоллар ўз навбатида йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига ҳамда фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини ҳам яшириб бўлмайди.

— Олиб борилаётган кенг кўламдаги тадбирларга қарамасдан йўловчи ташишга йўналтирилган транспорт воситалари иштирокида оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлаётгани жиддий ташвишга солмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Б.Эрматов. — Жорий йилнинг ўтган 6 ойида йўловчи ташиётган транспорт воситалари иштирокида 149 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 5 нафар фуқаро вафот этган, 186 нафари жароҳатланган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳодисалар ва жароҳатланганлар камайган бўлса-да, вафот этганлар сони ошгани ачинарли.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай автоҳалокатларнинг келиб чиқишига ҳайдовчилар томонидан «Йўл ҳаракати қоидалари»ни қўпол равишда бузиш, об-ҳаво шароитини инобатга олмаслик каби омиллар асосий сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликни меъёридан ошириш, транспорт салонида ортиқча йўловчи олиб юриши ҳам кўнгилсизликларга шароит яратмоқда.

Маълумки, «Автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорликнинг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга кўра, тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Қарор талабига кўра, ташкил этилган уюшмаларга катта ваколатлар берилган. Шунингдек, улар зиммасига транспорт воситаларининг ҳаракатини назорат қилиш, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масъулиятли вазифалар ҳам юклатилган.

2006 йил 1 мартига қадар республика бўйича 320 та уюшма фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирга келиб улар сони 1642 тага етди. Улар билан ижара шартномаси тузган автотранспорт воситаларининг сони 68.000 тадан ошган. Лекин уюшмаларнинг мутасаддилари қарорларнинг ижросини таъминлаш, йўловчи ташиш фаолиятини назорат қилиш бўйича олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмас.

Жорий йилнинг ўтган даврида 576 та йўловчи ташиш уюшмаси фаолияти ўрганиб чиқилганда, 82 тасида жиддий камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Шундан 17 та уюшманинг фаолияти бутунлай ёки вақтинчалик тўхтатилган. Бунга Қорақалпоғистон Республикасидаги «Алланияз — Кахарман», «Сингапур» каби хусусий корхоналарининг фаолияти мисол бўла олади.

Йўналишга чиқишдан олдин автотранспорт воситалари техник ҳолатининг сифатсиз текширилишининг яна бир сабаби шундаки, айрим уюшмаларда фаолият кўрсатаётган механиклар тегишли мутахассисликка эга эмас ва уларда бу соҳа бўйича малака етишмайди. Бунга қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, улар транспорт воситаларининг созлигига масъул-ку!

Яна бир гап. Йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи уюшмалар авторанспорт корхоналарига қўйиладиган барча талабларни бажаришлари шарт. Лекин айрим уюшмалар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида бу талаб умуман бажарилмаяпти.

Юқорида таъкидланган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари, шунингдек, тегишли идоралар вакиллари иштирокида ташкил этилган семинарда ана шу масалалар муҳокама қилинди. Тегишли тадбирлар белгиланди.

Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, подполковник.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Бадиий академияси атоқли қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевга Тошкент шаҳрида ўрнатиладиган ҳайкал лойиҳасини яратиш бўйича

танлов эълон қилади.

Зарур маълумотларни Бадиий академия котибиятидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси-40. Телефон: 153-34-07.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги «Умид» мактаб-интернатига қўшимча ўқув блоки қурилиши»

Қурилишни тугаллаш муддати: 2007 йил 1 октябргача.

Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА

ҲИКМАТДИР ДУНЁ

✧✧✧

Билимли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол, адаблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур.

✧✧✧

Тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сўзлаб юборсанг), (тилинг) чиқиб қолса, тишингни синдиради.

✧✧✧

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

✧✧✧

Сўзинг аччиқ, тилингни тийиб тут, эрк берилган тил бир кун бошингга етади.

✧✧✧

Тили бўш, заҳар кишининг ақли етук бўладими? Тил ва сўз бўши кўп кишиларнинг бошини еди.

✧✧✧

Кишини ўчакиштирма, (унинг) тилини бил, бу тил яраланса (бузилса) тузалмайди, ўқ яраси эса битиб кетади.

Аҳмад ЮГНАКИЙ
«Ҳибат-ул-ҳақойиқ»дан

☑ **Кўнгил мулки**

ШУ АЁЛ...

Сизга интиқ шу аёл менинг
Кўзларимга иссиқдан-иссиқ.
У беҳуда ётсирар мендан,
Бекор отар менга нафрат — ўқ.

Кечиксангиз — хавотирланган,
Сал кўрмаса сизни ичиккан,
Сиз деб... сизнинг болангиз деб
Мен туймаган дардларин чеккан.

Шонингиз сал ёйилса элга,
Кўзикар деб туморлар тиккан.
Номингиз ўқиб ўғринча,
Кўзларига суртиб энтиккан.

Шу аёл менга бир ҳамшира.
Менинг ишончларимга қасддан
Тўшак тортиб ётсангиз хаста,
Сиздан олдин жон бермоққа шай
Шу аёл — халоскор фаришта.

Уллибиби ОТАЕВА

ИСМСИЗ МАКТУБ

☑ **Оддий ҳақиқат**

«Мен ўзига тўқ оилада улғайдим. Мактабни битиргач, институтга ўқишга кирдим. Гарчи баҳоларим аъло бўлса ҳам, тўғрисини айтаман, ўқишга дадамнинг «ёрдам»и билан кирганман. Ўшанда бу гўё одатий, ҳеч ким ажабланмайдиган ҳол эди. Ҳамма бир-бирини кимнингдир кучи билан ўқишга кирган деб ҳисобларди. Институтни битирдим. Ўзим ўқиган мактабга ишга келдим. Қишлоғимизда бир йигит бор эди. Мен ўқишни битирганимда у ўқишга кирибди. Оиласининг моддий аҳволи ҳаминқадар, отаси оддий ишчи эди. Унинг институтга қандай кирганига ажабландим. Бир куни тасодифан дуч келиб қолганимда, табриклаб қўйдим. Хурсанд бўлиб «раҳмат» деди.

— Қанча билан кирдинг? — сўрадим мен.

— Ўн икки балл билан, — деди у.

— Қўйсанг-чи, сен кирган факультетнинг баҳоси нари борса 5 «балл», қолаверса, сенга ҳозир ҳеч ким шунча пулни тайёрлаб қўймагандир, — дедим.

— Нималар деяпсиз, қанақа пул? Мен учта имтиҳондан ҳам «тўрт» баҳо билан ўтдим, — деди у жаҳли чиқиб.

— Демак, битта «тўрт»ни берибсан-да, — дедим.

Йигит бошқа ҳеч нарса демай, кетиб қолди. Мен барибир ишонмадим. Аммо шу «тўртта»ни (яъни ўша пайтдаги тўрт минг сўм) тўплаш учун ҳам отасининг қурби етмаслиги аниқ эди. Бироз таажжубландим, кимдир ёрдам бердимикан, деб ўйладим.

Шундан кейин ўша йигитни учратиб қолганимда мен билан тузуқроқ саломлашмай ҳам ўтиб кетарди. Орадан беш йил ўтиб, у институтни битирди. Бизнинг мактабга ишга келди. Бирга ишлай бошладик. Ҳамма ўқитувчилар уни ҳурмат қилишарди. Эшитишимча, институтда ҳам жуда фаол бўлган экан. Шеър ёзаркан. Кичкинагина бўлса ҳам китобчасини чиқарибди. Мен ҳам унга ҳамма қатори муносабат-муомалада бўламан.

Аммо бир куни... у мендан қаттиқ хафа бўлиб юрганлигини англаб қолдим.

Гап шундаки, менинг кенжа синглим шу йили институтга ўқишга кирганди. У мактабда энг аълочи эди. Оиламиздаги фарзандлардан фарқли ўлароқ, шу синглим ҳеч кимга ортиқча «юк» бўлмай, ўз билими билан ўқишга кириб кетди. Ким ҳам бундай воқеадан қувонмайди дейсиз. Катта танаффусда, ўқитувчилар хонасида синглим ҳақида сўраган ҳамкасбларимга мақтаниб гапириб турсам, улардан бири «пул билан нималар қилса бўлмайди», деб юборди. «Нималар деяпсан, оғзим бор деб гапираверар экан-да одам. Синглимнинг қандай ўқиганини ҳамма билади-ку», деб унга бақирдим. Оддий гап жанжалга айланиб кетай деганда, ўша йигит менинг ёнимни олди. Дарсга киришга қўнғироқ чалиниб, ҳамма тарқала бошлади. Ҳалиги йигитга, «раҳмат» дедим.

— Сизларнинг баҳсларингиз жанжалга арзимайди. Ахир, бир пайтлар яхши ўқиган одам ўз кучи билан ўқишга кира олишини сиз ҳам сира тасаввур қилолмасдингиз-ку! — деди.

Ҳеч қачон бундай мулзам бўлмагандим. Бундан анча йил олдин унга айтган гапларимни эслаб, уни ўшанда қаттиқ ранжитганимни англаб етдим. Шунга яраша жавоби қайтди, шекилли. Мен ўшанда ундан узр сўрашга ўзимда журъат тополмадим. Бир йил ўтиб йигит пойтахтга ишга кетди.

Агар у газета орқали менинг бу гапларимни ўқиб турган бўлса, ундан кечирим сўрайман ва унга омад тилайман».

Қувондиқ

☑ **Саломатлик сири**

«УЧИНЧИ КЎЗ»

БОРМИ?



Аксариятимиз, қачон кўзимиз оғриса ёки бирор нарса орқали жароҳатланса, кўз шифокорини излаб қоламиз. Айниқса, болаларимизни ҳам бирор кор-ҳол рўй бермаса, дўхтирга кўзини кўрсатмаймиз. Бу қусур ҳамманинг табиатида бор. Лекин дунё офтальмологларининг бонг уришича, ҳар қандай одамнинг кўриш қобилияти аста-секин сусайиб борар экан. Буни сезиш ҳам осон эмас. Хўш, бундай ташвишга йўлиқмаслик учун қандай чора кўриш керак?

Дунёда шундай беморлар учун «учинчи кўз» яратилганига анча бўлган, яъни хорижда кўриш қобилияти пасайганлар махсус суратлар билан тўлдирилган «машқлар тўплами»дан фойдаланадилар. Афсуски, бу тўпламнинг нархи ҳам чаккимас.

Яқинда қизиқ бир хабар эшитдик. Дунёда кўзнинг кўриш қобилиятини тиклайдиган биринчи «Стерео расмлар тўплами» бизнинг мамлакатимизда яратилибди. Унинг муаллифи юртдошимиз, собиқ ҳарбий учувчи Собиржон Ҳожимуҳамедов экан.

Маълумки, одам икки кўзи орқали нарсаларни аниқ кўриши — бинокуляр (БК), стереоскопик (махсус тиббий асбоблар ёрдамида) кўриш (СК) деб аталади.

«Стерео расмлар тўплами»нинг ичида кўзнинг кўриш қобилиятини аниқлаш, даражасини текшириш ва даволаш учун 16 та ҳар хил рангли, айниқса, болаларнинг диққатини жалб қиладиган қизиқарли стерео расмлар бор. Энг муҳими, бу тўплам орқали ҳар ким уй шароитида ўзи ва оила аъзоларининг, айниқса, фарзандларининг бинокуляр кўриш қобилиятини аниқлаши, мунтазам машқлар орқали кўриш қобилиятини қайта тиклаши мумкин. Қолаверса, бу тўплам дунёдаги етакчи «STEREO TESTS» компаниясининг STEREO OPTICAL CO INC асбобига қараганда анча арзон ва қулай ҳам.

Муаллифнинг стерео тўпламидан фойдаланиш усули ҳам содда-оддий уй шароитида, ёруғ хонада махсус кўз ойнак орқали «стерео сурат»ларга қарасангиз... Ўн беш дақиқада мўъжиза рўй беради... Суратлардаги шакллар «юради», бошқа шаклга киради... Машқларни қайта-қайта такрорлаш инсонни, айниқса, боланинг бинокуляр кўриш қобилиятини аста-секин тиклайди.

Табиатан мен (тиббиётга алоқадор бўлмасам ҳам) бундай шов-шув, сенсацияларга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўламан. Кейин ҳеч қачон кўзимдан шикоятим ҳам бўлмаган. Аммо йиллар... ўз улушини оларкан, ҳукмини ўтказар экан. Қизиқсиниб бу ғаройиб тўпламни синаб кўрдим. Кейин маҳалладошларимизнинг «кўзи»ни текширдик... Унинг ташҳисини мутахассис ҳам тасдиқлади. Ишонгингиз келмайди. Аммо ижобий натижасини сездик. Демак, «учинчи кўз»ни кўрдик.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

☑ **Биласизми?**

НАРХИ АРЗОН,

ҚАДРИ ЭСА...

Дунёда энг бой одамлардан бири деб эътироф этилган Билл Гейтс ҳақида жуда кўп қизиқарли маълумотга эгасиз. Аслида буюкларнинг оддий ҳаракатлари ҳам биз учун қизиқарли туюлаверади. Аммо Гейтс жанобларининг навбатдаги иши ростданам қизиқ эди. Яъни, у дунёдаги энг қиммат баҳоланган китобни сотиб олди. Бу китоб Леонардо Да Винчининг «Ластер кодекси» бўлиб, Билл Гейтс уни 2 миллион долларга сотиб олган.

Китобнинг қадри қанчалик баландлигини фақатгина китоб туфайли юксак муваффақиятларга эришганлар биладими? Нега биз арзон, аммо қадри юқори китобларни кўп ўқимаймиз? Икки қути сигаретанинг пулига яхши бир китоб сотиб олса бўлади-ку! Янаям ачинарлиси, аксарият ҳолларда бу каби саволларга ғашимиз келади, холос. Унутманг, бепарволик ҳам инсоннинг энг хавфли душманларидан биридир.

КОЛЛЕКЦИЯ

Ҳаётда ҳар биримиз учун қизиқ бўлган нарсалар мавжуд. Одам вақтини бекор ўтказмаслик учун нимадир қилиши керак-ку, ахир! Кимдир умрини илмга, кимдир бошқа дунёвий ишларга, яна аллаким бор умрини коллекциялар тўплашга бахш этади. Коллекция ўзи нима?

«Коллекция» атамасини биринчи бўлиб Цицерон ўзининг бир нутқида қўллаган экан. У бўлак-бўлак нарсаларни бир бутунича йиғишни коллекция деб атайди. Тарихчиларнинг айтишича, биринчи коллекционерлар Пергам қироллигининг шоҳлари бўлишган.

Археологлар томонидан Олтой ҳудудида ҳар хил ҳайвонларни эслатувчи кичик тошлар тўплами топилган. Бу нусхалар ўзининг ўлчами, ранги ва ҳайвонларга ўхшаш жиҳати билан сараланган. Бу коллекция тўрт ярим минг ёшда.

Фан соҳасидаги биринчи коллекция Арастуга тегишли. У ашаддий коллекционер бўлиб, жуда кўп мамлакатларнинг ўсимликларини тўплаган ва ёзиб қолдирган. Айтишларича, бу коллекциянинг асосий таъминловчиси Искандар Зулқарнайн бўлган экан.

Газетамизнинг 21 июль сонидаги изоҳсиз суратга жавоблар

«Эй, сарбон оҳиста юр, йиқилиб кетмайин»
Зарнигор ўқувчи, Тошкент.

✧✧✧

«Бароқхон: — Қани топ-чи, мен кимман ўзи?
Олапар: — Биламан, сен — Мошбойнинг қизи!»
Жасур Эргашев, талаба.

✧✧✧

«Ҳов амаки, қани бизни бир эсдаликка суратга олинг-чи»
Камола Отажонова, Жиззах.

✧✧✧

«Бир, икки, уч! Қани кетдик ошна,
кун оғиб кетсаям ухлайверасанми?»
Абдумутал Жабборов, Андижон.

✧✧✧

«Йўлбарс, Тўртқўз, Симба, Бобик...
Йўқ, панжанг ўхшамаяпти, ўзинг айта қол, кимсан?»
Улуғбек Шукуров, Самарқанд.

Қандай изоҳлайсиз?



Саҳифани Норқобил ЖАЛИЛ ва Қувондиқ СИДДИҚ тайёрлади.

«РЕЗУЛЬТАТ»

ҲАЖВИЯ

ЁКИ ИККИ ИҒВОГАР ҚИЛМИШИ

Қаҳрамонларимизнинг бири ўзини «катта ёзувчи» деб билса, иккинчиси арбоб, деб ҳисоблайди.

Биринчиси: баланд бўйли, дўнгпешона, кишига тикилса, пешонасида тарамтарам ажинлар пайдо бўлади. Икки курак тишининг ораси очиқ, кўпинча айтадиган сўзи ана шу икки тиш орасидан шикастланиб чиқади. Паст сочининг ғадир-будири бир пайтлар сочи саватдай жингалак бўлганлигидан дарак. Асосан юбилей саналари нишонланадиган алломаларга қасидалар битади. «Ижоди»нинг яна бир қирраси одамлар устидан ёзиш. Буюртма бўлса бас. Қалин китоб чиқаришни яхши кўради. Унинг айтишича, «қалин китоб ёстиқ ўрнини ҳам босар экан». Судлашишни хуш кўради. Саломни ҳам суд орқали ундириб олишдан қайтмайди.

Иккинчиси: ўрта бўйли, боши қовоқдай, сочи қуёшда қовжираган маккажўхори попугига ўхшайди, яъни қовоқ устига маккажўхори попуги ташлаб қўйилгандай. Бир ташкилотда раҳбар ўринбосари. Бу мансабга кўтарилгунича қанча ҳунарини ишга солганини ўзи биларди. Хаёлига раҳбари ўрнини олиш фикри келганидан буён ҳаловати йўқолган. Ўйлаб-ўйлаб дўнгпешонадан фойдаланишга қарор қилди.

Хуллас, қовоқбош дўнгпешонага маслаҳат солди:

— Бир нимали бўлмоқчимисан, шохингни қайра, мен сенга кимни сузишингни айтаман, қойиллатсанг пичоғинг мой устида. Лекин ўлжани «арра» қиламиз. Шу десанг, мен баъзи ташкилотлардан мол олганман, яъни улардан қарзим бор. Ана энди шу қарзни сўрашяпти. Мен эса у молларни аллақачон жиғилдонимга урганман. Омборим бўм-бўш. Шу камомадларни катта раҳбарнинг ариғига оқизасан, маҳоратингни ишга сол. Далиллар бор, анчадан бери йиғиб юрибман, лекин қўлимдан ёзиш келмайди. Мен айтиб тураман, сен ёзасан.

— Бу ишимизни билиб қолишса-чи? — деб сўради дўнгпешона.

— Сен қўрқма, ҳимоя қиладиган одамларим бор, —унга далда берди қовоқбош. — Қутилиб кетамиз.

Дўнгпешона кўнди. Икки каллада битта режа тузилди. Режага асосан, дўнгпешона қовоқбошдан қарзини қисталанг қиладиганлар устидан ёзиши керак. Енг шимариб ишга киришган «ёзувчи» бешта корхона устидан шундай воқеаларни тўқиб ташладики, дунёнинг мана-ман деган лофчиси-ю ёлғончиси ярим йўлда қолиб кетадиган бўлди. «Ҳужжат»ларни алоҳида-алоҳида тўплаб судга берди ва «маънавий зарар»нинг миқдорини ҳам ўзи белгиладди... Суд иш бошлади. Қуруқ туҳматга учраган ташкилотлар вакиллари тинчи бузилиб, судга қатнай бошлади. Ўзларини ҳимоя қилиш учун роса югуришди, ишдан қолишди, асаблари қақшади. Қовоқбош эса роҳатланиб воқеаларнинг қандай боришини кузатди. Ора-чора дўнгпешонага «бўш келма», деб далда бериб турди.

Лекин судда қовоқбош ёзган бирорта даъво ўз тасдиғини топмади. Дўнгпешона қистови билан қовоқбош туман судидан норози бўлиб, юқори суд идораларига ёзди. Бир неча ойдан сўнг суд масалага узил-кесил нуқта қўйди. Туҳматчининг даъволаридан бирортаси ҳам қаноатлантирилмади.

Режа амалга ошмагач, дўнгпешона қовоқбошдан хафа бўлди. «Берган маълумотларингиз ҳаммаси пуч экан. Қайтага обрўйим тўкилди. — Энди хизмат ҳаққим нима бўлади», — дея қовоқбошга саволомуз тикилди. — Ёзганингиздан иш чиқмади-ку совуққон оҳангда эътироз билдирди қовоқбош.

— Вақтим кетди, гап-сўзга қолдим сизнинг гапингизга кириб.

— Ҳамма жойда натижага қараб ҳақ тўланади, результат бўлмади-ку ука!

Дўнгпешона устидан бир челак совуқ сув қуйилгандек раҳбарнинг хонасидан чиқди. У ўзини камситилгандай ҳис этар, ўйлаб қараса, қовоқбош ўз раҳбари тагига сув қуйиш учун ундан фойдаланган экан. Дўнгпешона қовоқбош хонасидан чиқиб, ўз хонасига кирди-да эшикни ичидан қулфлади. Қўлига ручкани олиб, бироз ўйлаб турдида «Мен сенга результатни кўрсатиб қўяман», дея раҳбар номига қовоқбош устидан шашт билан ёза бошлади. Унинг гапига кириб, турли идораларга юмалоқ хатлар ёзганидан тортиб, раҳбар кетидан қилган иғволаригача ҳаммасини қолдирмай қоғозга тўкди... Эртасига раҳбар Қовоқбошни хонасига чақирди. Бўлди қиёмат...

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас эса дўнгпешона ҳам ўз «хизмати», «результати»ни кўрди. Уни судга чақиришди. Қилган туҳматлари учун бошқалар уни судга беришибди...

Ўткир ЎЛМАСОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8578 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 22.10
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda